Сирожиддин МИРСАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

# БЕҒАРАЗ ШАФҚАТ, ХОЛИСОНА МУРУВВАТ КЎРСАТИЛСА...

Юртимиз янги аср арафасида истиқлол берган саодат нуридан кўпроқ баҳраманд бўлиб, фуқаро ўз ақл-заковати, куч-қудрати, билим ва истеъдодини Ватан тараққиёти, фаровонлик йўлида эркин намоён этишдек шарафли кунларни бошдан кечирмоқда.

Бугун, том маънода, тараққиётимизнинг маънавий юксалиш босқичидамиз, деб айтоламиз. Иқтисодиётимизда изчил ўсиш рўй бераяпти. Юргизилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг кўлами кенгайиб бормоқда. Сиёсий ва иқтисодий турмушимиз кун сайин эркинлашиб, демократик тус олаяпти. Мамлакатимиз аҳли-фуқароси жамиятимизда барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, сарҳадларимиз ва ҳудудимиз дахлсизлиги, фаровон турмуш каби эзгу-ниятларини ишонч билан амалга оширмоқда.

Таъкидлаш жоизки, барча ютуқларимиз, забт этилган довонларни асримизнинг сўнгги йилида янада яққолроқ кўраяпмиз. 1 чақириқ Олий Мажлиснинг якуний сессияси кунлари, Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги тўйи арафасида кўтарилган «ғалвир»лар мустақиллигимиз «хирмони»ни бўй-басти билан намоён этди. Куни-кеча бўлиб ўтган Олий Мажлисга, маҳаллий ҳокимият кенгашларига сайловлардаги фаоллик, юртимиз Президентини сайлаш учун ўтказилаётган тадбирлар одамларимиз онгида, дунёқарашида ижобий ўзгаришлар юз берганидан гувоҳлик бериб турибдики, бугунги кун фуқаролари кечагиларидан кескин фарқ қилади, деб дангал айтиш мумкин.

Биз уларни мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган сананинг 7 йиллиги тантаналари кунларида яна бир бор ҳис қилдик. Бош қомусимизда эъзозли даражага кўтарилган ИНСОН омили ўтган давр мобайнида кўп тарафлама диққат марказида бўлганлигининг гувоҳи бўлдик. «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанада юртбошимиз жамиятимиздаги эришилган ютуқ ва забт этилган марралар замирида конституциямиз турганлигини таъкидлаб, «Конституциямизнинг халқаро, демократик андоза ва талабларга жавоб бериши, унинг олдинги Конституциялардан фарқ қилиши ҳақида сўз борар экан, биз аввало унда *инсон ҳуқуқи, уни ҳимоялашга қаратилган барча кафолатлар алоҳида ўрин тутганини, Асосий Қомусимиз инсон манфаатини давлат манфаатидан устун туришини муҳрлаб қўйгани* ҳақида гапиришимиз керак» деди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида жамиятда қонунийлик, адолат ва ҳақиқат ҳукмронлигини ўрнатиш, турли ярамас унсур ва иллатлардан фориғ бўлиш, халқимиз манфаатига бевосита дахлдор масалаларни ҳал этишни укдириб ўтди.

Нутқ бошдан охир фуқаропарварлик, одам омилини буюк қадрият сифатида эъзозлаш, хайр-саховат, мурувват кўрсатишда ташаббускорлик, мутасаддиларда изланиш ва юксак масъулият бўлиши хусусидаги таҳлил, талаб ва вазифалар билан йўғрилганлигини таъкидлаш жоиз. Жумладан, юртбошимиз 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб аташни таклиф этди. Тантананинг барча қатнашчилари бир овоздан олқиш билдириб, таклифга қўшилганликларини изҳор этди. Бу ҳақдаги телекўрсатув ва матбуот хабарларидан сўнг, умумхалқ эътирофи билдирила бошланди. Халқ ўз йўлбошчиси таклифини қўллаб-қувватлади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки даврларига бир ўгирилиб қарайлик. Жиноятчилик ўсиб кетган, ҳар қадамда қонунбузарлик, ўзбошимчалик, «қуруқ арава»ни турли тарафга тортишлар... Эркинлик, адолат деб ҳайқирувчиларнинг аксарияси ана шу улуғ ишларга ўзлари соя сола бошлаган эди. Мамлакатни теран, собит бошқариш тақозоси юзага қалқиганди. Аввалбошдан қатъий ва қаттиқ қонунларга ҳожат туғилди. Жамият ҳаётига хавф бўлиб турган жиноятчилик муаммоси билан курашиш учун таъсирчан механизм, қаттиққўллик талаб этиларди. Шундай йўл тутилди ҳам. Оламга айюҳаннос солиб, ўта қаттиққўл сиёсат юргизилаётганлигидан «дод»лаганлар ҳам бўлди. Аммо халқимиз тез орада буларни моҳиятан англаб етди: порахўрлар, жиноятчиларнинг уюшган тўдалари, қотиллар, талончи ва босқинчилар, хазина ўмарувчилар, ватан ва истиқлол муқаддаслигини оёқости қилувчилар, хоин ва хиёнаткорлар, диёнатсиз шахсларга қарши «қаттиққўл қонун тиғи» билангина курашиш мумкин эди. Ўз қилмиши билан кўпорувчи, ватан ва халққа, инсон манфаатига хиёнаткорлар билан пачакилашиб ўтириш мумкин эмас эди. Оддийроқ айтганда, тартибга чақиришни менсимаган, тузалиш йўлини танлашга рўйхуш бермаганлар билан ягона, кескин ва адолатли кураш чораси шу эди. Айни пайтда, бу йўлларга адашиб кириб қолганлар, ҳали тўла «бузилиб» улгурмаган, «умид»ли инсонларга мунтазам равишда эътибор қаратилиб келинди. Уларга ўз қадамини ўйлаб босиш, тўғри йўлни танлаб олиш имкониятлари яратила бошланди. Меҳр-мурувват, саховат, амалий ёрдам кўрсатилди. Юртбошимизнинг муруввагга арзимайдиганларга қаттиққўллик, кези келганда, «адашган»ларга раҳнамолик кўрсата билиш каби инсонпарвар, фуқаропарварлик сиёсатидан халқимиз воқиф бўла бошлади. Фикримча, бу борада юритилган ҳуқуқий сиёсат юртбошимизнинг қатор фармонлари, амалий ишларимизда бир қадар далил бўлади, деб ўйлайман.

Қолаверса, 1997 йил — Инсон манфаатлари йили, 1998 йил — Оила йили, 1999 йил — Аёллар йили, деб аталиши ва улар билан боғлиқ кенг кўламли тадбирларнинг амалга оширилганлиги, шу йилларда бир қатор Амнистия актлари билан адашганларга эркинлик берилиб, яшаш, яратиш, тузалиш ва тўғри йўлга туриш учун имкониятлар яратилганлигининг гувоҳимиз.

Улар натижасида жазога тортилган минглаб маҳбуслар, маҳкумлар оиласи, жамоаси бағрига қайтди, тузалиш йўлига кирди, келажакка ишонч билан ўз яқинлари, ота-онаси, бола-чақалари бағрида ҳалол яшаяпди.

Мурувватли, мақсадли ва фуқаропарварлик ишлар хусусида айтиладиган, таъкидланиши лозим бўлганлари жуда кўп, уларни айтавериб адо қилиб бўлмайди. Қолаверса, уларнинг барчаси халқимиз кўз-ўнгида рўй берди. Кенг ошкоралик дастаклари орқали аҳли-фуқаро воқифдир.

2000 йилга «Соғлом авлод йили» деб рамзий ном берилиши масаласига келсак, бу — мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз давомидир. Зеро, соғлом авлод тарбиясини Ватаннинг келажаги учун қайғуриш деб тушунилмоғи керак. Бу айрим шахслар ёхуд идораларнинг иши билан чекланмайди. Уни Президентимиз таъкидлаганидек, бирданига бажариб ҳам бўлмайди. Касби, ёши, жинси, миллати, сиёсий-ижтимоий мавқеи, иқтисодий аҳволидан қатъий назар, ҳар бир ўзбекистонлик соғлом авлод тарбиясига дахлдордир.

Хўш, мен буларни нега айтаяпман? Бунинг сабаби кўп қирралидир. Улардан бири, албатта, жиноятчилик ва жазо билан ҳам боғланиб кетади. Бу масалага қонунни «ҳатлаб» ўтганлар, ўз номи билан атасак — жиноятга қўл урганлар тақдири ҳам дахлдор. Чунки бу тоифа шахслар алоҳида ҳолда осмондан тушган ёки ердан эмас, ўз орамиздан чиққан. Уларнинг ҳам ота-онаси, ўғил-қизи, оиласи, қариндош-уруғ ва ёр-дўстлари, маҳалласи бор. Улар тақдири ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги, таъсирсиз ҳам қолмаслиги керак. Баъзи шахсларнинг гоҳо йўлдан адашиб, гоҳо билиб-билмай қўйган қадамлари одамлар ҳаётига, улар орқали ёхуд тўғридан-тўғри ёш авлод тақдирига тамға бўлиб босилмаслиги лозим. Бошқача айтганда, бу тоифа шахслар ҳам, уларнинг бугунги ва келгуси авлоди ҳам носоғлом муҳитдан қутилиши, руҳан эзилиш, азобланиш, моддий қийналиб қолиш каби омиллар таъсиридан муҳофаза этилиши зарурати бор. Зеро, Президентимиз қайд этганларидек, табиатан соғлом, мукаммал яратилган инсон зотини аввало одам боласининг ўзи, қолаверса, носоз муҳит бузади.

Ана шундай муҳитта сабаб бўлувчи ҳолатлардан бири, гўё буюк Цицероннинг «Қонуннинг ўта қаттиққўллиги — ўта адолатсизликдир» деган фикрида акс этгандек кўринади. Суд, прокуратура, тергов юритиш амалиётимизда, баъзида қонунбузарга, жиноятчига муросасиз бўлишни ҳаддан ошириб юбориш ҳолларига йўл қўяяпмиз чамаси... Бу борада, қонунларимизни мутлоқ эъзозлаган ҳолда жаҳон тан олган алломалар, мутафаккирлар насиҳатига ҳам қулоқ тутиш зарардан холи бўлмайди. Масалан, Оврупалик мутафаккир Лихтенберг: *«Айбдорга жазо беришдан олдин ҳар доим «гуноҳидан ўтишнинг иложи йўқмикин?» деб ҳам ўйлаб кўриш керак»*, деган фикрни айтган. Буюк ҳинд арбоби Маҳатма Ганди эса: *«Жазолашдан кўра кечирмоқлик мардликдир, фақат ожиз одамлар кечираолмайди, авф этиш кучлилар фазилатидир»*, дейди.

Бугунги кун суд-тергов ходимлари билиб қўйиши лозим бўлган яна бир мақбулроқ фикрни таниқли юрист В.Вейтлинг билдирган: *«Одамнинг эркинликка интилиши бамисоли қозонга қамалган буғга ўхшайди. Уни ҳаддан ташқари қисган сари, хавфли бўлаверади ва аксинча, буғга яхши машинада тўғри йўл топиб берилса, фақат манфаат келтиради»*.

Хўш, нега бу сўзларни келтиряпти, деб ўйларсиз.

Сабабким, авваламбор йўлбошчимиз тутаётган позиция, сўнгра унинг юритаётган том маънодаги зукко сиёсати, ўзлари ташаббус кўрсатиб ва бош бўлиб ишлаб чиқилаётган қонунларимиз, улар амалиёти устидан олиб борилаётган кузатиш, назорат ва тузатишларнинг ана шу фикрлар билан мутаносиблигидадир. Уларни кўрмаслигимиз, англамаслигимиз мумкин эмас.

Мана бир мисол: яқингинагача «дунёда энг одил қонун ва адолатпарвар совет суди»нинг қуроли бўлган Жиноят Кодексининг 17 та моддаси, ҳарбий ҳолат эълон қилингудек бўлса ҳарбий жиноятлар содир этганларга нисбатан қўлланиладиган 32 та модданинг 16 тасида айбдорга ўлим жазоси қўлланилиши назарда тутилган ва амалда эди. Юртимиз мустақил бўлгач, Кодексимизни янгиладик. Ундан юртбошимиз ташаббуси билан 10 дан ортиқ жиноятлар учун ўлим жазоси олиб ташланди. Қолганлари — ўта оғир ва ваҳшиёна жиноятлар учун кўзда тутилган ўлим жазосини ҳам авф этиш йўли билан муддатли қамоқ жазосига алмаштириш мумкинлиги қайд этилди. Ҳарбий жиноятлар учун ўлим жазоси мутлақо қўлланилмайдиган бўлди. Бу сўнгги чора аёлларга, қилмиш содир этганда 18 ёшга тўлмаганларга қўлланилмаслиги қайд этилди.

Қарияларга, ногиронларга, уруш ва меҳнат фахрийларига, вояга етмаганларга, биринчи марта жиноят содир этганларга, эҳтиётсизлик оқибатида қилмиш содир этганларга, ўз қилмишининг оқибатини англаб пушаймон бўлганларга, ўзи бош эгиб тавба-тазарру қилганларга, ҳатто ватанга хиёнат қилишга қаратилган ҳаракатларга тасодифан қўшилиб қолиб, зиён-заҳмат етказмасдан олдин бу ҳақда маълум қилганларга нисбатан жиноий жазодан озод этишгача бўлган кафолат, имкониятлар берилганлигидан хабардорсиз.

Хўш, булар нимадан гувоҳлик беради? Нималарга ундайди? Улар жамиятимизда қонуний қатъият ва қаттиққўллик билан бирга мурувват, саҳоват, инсонийлик ва меҳрибонлик кенг томир ёзаётганлигидан гувоҳлик берса, жиноятчига чора кўрувчи мансабдор шахслар — суд, прокуратура, милиция, тергов ва суриштирувчилар учун ўйлаб, «етти ўлчаб - бир кесиш»ни одат этишга ундайди, зеро бу — халқимиз аждодларидан мерос қилиб олган ва қалб тўрида сақлаб келаётган хислат, эзгу фазилатдир.

Бу билан нима демоқчиман? Гапнинг мағзи шундаки, қонунларимиз нақадар муросасизлик талаб қилмасин, албатта, ундан оғишмаган ҳолда, юртбошимиз *«Ҳар куни, ҳар доим хайрли иш қилиш»*га ундаяптилар. Гап қонунларимизда акс этаётган кўплаб чоралар орасида *қамоққа олиш, озодликдан маҳрум этиш* чораси ва жазосининг ҳар доим ҳам қўллайверишни одатга айлантирмаслик ҳақида бораяпди. Шу ерда, жиноят процессуал қонунчилигимизда шахс ҳуқуқларини чеклаш асослари ва доираси хусусида баъзи масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Илгариги қонунларимизда айбдорни (жиноятчини) фақат «ҳеч қаёққа кетмаслик ҳақида тилхат ва жамоат ташкилоти ёки шахсга кафилликка бериш» орқали очиқда қолдириш мумкин эди. Қолган ҳолларда «қамоқ»дан ўзга эҳтиёт чораси кўзда тутилмаганди. Амалиётдан маълумки, уларнинг дастлабкилари камдан-кам қўлланилар, асосан тоталитар тузумнинг услуби — «қамоққа олиш» одат тусини олган эди. Бундай услуб жиноятчиликка қарши курашда самара бермаганини биласиз. Давр сайин жиноятчилик саҳни ўсиб бораверган эди. Хуллас, қамоқ тарбия воситаси бўлолмагани тажрибамиздан маълум эди. Қолаверса, жамият бундай ёндашувдан жуда катта маънавий ва моддий зарар кўрарди. Инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш борасида эса гапирмаса ҳам бўларди...

Инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган Конституциямиз асосида қабул қилинган янги Жиноят-процессуал Кодексимизнинг 297-моддаси бу масалани ҳар тарафлама самара берадиган, жаҳонда тан олинган талабларга мос келадиган мазмунда ҳал этди. Унга кўра, жиноятчининг шахси ва қилмиши бошқа турли ҳолатларни эътиборга олиб, «қонунни билиб-билмай ҳатлаган»ларга нисбатан, қамоққа олишдан ташқари: муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш орқали, тергов ва суд хулосасига қадар очиқда қолдириш; шундай шахсларни ишончли шахслар шахсий кафиллигига кўра очиқда қолдириш; жамоат бирлашмалари ёхуд меҳнат, ўқув, маҳалла каби жамоалар кафиллигига бериш; вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви ўрнатиш кабилар кўзда тутилган. Улар қаторида «гаров» орқали очиқда қолдириш деган қоида мавжудким, бу мазмун ва моҳият жиҳатдан амалиётимизда янгиликдир. Ваҳоланки, дунёнинг кўплаб мамлакатларида бу ҳолат синовдан ўтган ва кенг қўлланилиб келган. Афсуски, бундай — иқтисодий ва маънавий фойда берадиган, «ишонч» деган юксак туйғуни шарафловчи, инсонийликка йўғрилган қоида суд, тергов, суриштирув амалиётимизда кам қўлланилаяпди.

Уни қўллаш тажрибасини кенгайтириш, шубҳасиз, қатор ижобий натижаларга етаклайди. Хусусан, қамоқ жойларида сақланаётган шахслар сонини, уларни ушлаб туришга кетаётган харажатларни сезиларли камайтиради. Қолаверса, айбланувчи, судланувчининг мулкий жиҳатдан манфаатига таъсири бўлиб, у гаровга қўйилган мулк-пул маблағини сақлаб қолиш учун ўз зиммасига олган мажбуриятини бузмайди. Устига-устак суд, прокурор, терговчи, суриштирувчи шахснинг қамоқда бўлмаган шахс иштирокида суд-тергов ҳаракатлари ўтказиши осонлашади.

Биз қамоқда сақланаётганларни сақлаш, боқиш, махсус иншоатлар қуриш, шароит яратишдан ташқари, у ёки бу ҳаракатлар учун олиб чиқишда кўплаб қўриқчи, автотранспорт жалб этилишини, ортиқча ҳужжатбозлик, тергов ва суд жараёнларининг чўзилиб кетиши, бекорчи катта харажатлар сарф бўлишини биламиз-ку!

Ва ниҳоят, айбланувчи-судланувчи тараф гаров мажбуриятини бузса, гаровдаги мулк-маблағи давлат ҳисобига ўтказилиб, етказилган зарарни қоплаш иқтисодий фойда келтиради. Қамоқдаги шахснинг ижтимоий фойдали меҳнатдан чекланиши, ота-она, эр-хотин ва қариндош-уруғларнинг ижтимоий яратишдан узилиб қолиши, сарсонсаргардонлиги оқибатларини гапирмаса ҳам бўлади.

Демак, тергов ва суд органлари бу масалага жиддий эътибор беришлари керак. Чунки иқтисодий жиҳатдан барчага алоқадор бўлган давлат манфаати асосий мезондир. Шу сабабли ҳам қонун қамоқ билан боғлиқ жазо тайинлаши билан бирга, қамоқдан ташқари, бошқа жазолар тайинлаши назарда тутилган ҳолларда гаров чорасини қўллаш мумкинлигини акс эттирган.

Унинг талабига кўра, эҳтиёт чорасидан қайси бирини қўллаш масаласини ҳал қилишда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд қўйилган айбнинг оғирлигини, айбланувчининг шахсини, машғулот турини, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларни ҳам эътиборга олмоғи керак. Ўйлайманки, асосан иқтисодий жиноятлар бўйича, қолаверса, кам аҳамиятли, эҳтиётсизлик оқибатидаги жиноятлар кабиларга ушбу қонун кенг қўлланилиши самара беради. Бунда, албатта, аҳоли — фуқаро ушбу қонунни билмоғи, лозим ҳолда тегишли талаб билан мурожаат қилиш маданиятини эгалламоғи керак.

Парламентимизнинг 1999 йил 20 августдаги сессиясида мамлакатимиз раҳбари ушбу муаммо ечимига оид янги ташаббусни ўртага ташлади. Унда амалдаги жиноят қонунчилигимизнинг қатор моддаларида қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш каби оғир жазоларни енгилроғи билан алмаштириш, имкон қадар озодликдан маҳрум этмасдан бошқа таъсир чоралари кўриш масаласи акс этган эди. Олий Мажлис сессияси таклифларни тўлиғича қабул қилди. Кам аҳамиятли, жамият учун унчалик катта хавф туғдирмайдиган 23 та моддада кўрсатилган хатти-ҳаракатлар учун, албатта қилмиш содир этувчининг шахси, бошқа тегишли маълумотлари эътиборга олиниб, жамиятдан ажратилмаган ҳолда чоралар қўллаш ушбу қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга асос қилиб олинди.

Бу янги — инсонпарвар талаблар ҳам қонун амалиётида қўлланила бошланди. Аммо, тан олиш керак, айрим суд-прокурор-тергов ходимларининг иш маромида қотиб қолган, инерция билан аввалгидек иш юритиш мароми устунлик қилмоқда. Баъзи ички ишлар идоралари, қидирув ва тергов ходимлари учун, ноқонунийлик, жиноят белгиси салгина кўзга ташланиши билан, биз юқорида келтирган ҳолат ва вазиятни сўрамай, (аниқроғи, ўйламай) нетмай шахсни ҳибсхонага йўналтириш ҳолларига дуч келаяпмиз. Айрим прокурорларимиз ҳам «айби борми-бор» деган ақидани одат қилиб, ўйлаб ўтирмасдан «санкция»ни босиб бераверяпди. Иш судга ўтгач эса, «қамоқдами, демак, озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлаш»ни одат қилган ҳолларга ҳам рўбарў бўлаяпмиз.

Хўш, бундай амалиёт тўғрими? Адолатлими? Қолаверса, жиноятчиликка қарши курашда самарали йўл шуми? Шундай йўл билан жиноятчилик саҳнини пасайтира оламизми? Адашган шахсни тўғри йўлга тортишда қўл келадиган услубми бу? Менимча, йўқ. Мутлақо, йўқ!

Баъзида ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларда потенциал (муккасидан кетган) жиноятчи билан тасодифий ёки адашув, хато туфайли фалокатта ўралашиб қолган шахсни ажратиб олиш маҳорати етишмаслигини рад этиб бўлмайди.

Фикримизни юзлаб озодликдан маҳрум этилганлар ишлари бўйича юқори инстанция судларида оғир жазо қўлланилгани боис озод этилганлар, маълум давр тергов ҳибсхоналарида сақланганларни юқори поғонанинг аралашуви билан гаров ёхуд тўғридан-тўғри очиқликка чиқариб юбориш фактлари тасдиқлайди.

Таъбир жоиз бўлса, мен бу борада баъзи фикрларимни, ўз таклиф-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

**Биринчидан**, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар мутасаддилари, соҳа мутахассислари ва назариячиларни жалб этган ҳолда, инсонни ҳибсга олишнинг ҳар тарафлама пухта ишланган асосларини мукаммал ишлаб чиқиши ва соҳа ходимларига «ойна» тарзида тарқатилиши, ўқитилиши ва уқдирилиши керак.

**Иккинчидан**, тергов ҳибсхоналарини ички ишлар идораларининг ихтиёрига бериб қўйиш ва назорат тартибида маълум муддатларда прокурорлик текширувлари ўтказиш билан бу муаммога тўла ечим топилади деб бўлмайди. Менимча, бу назоратга жамоатчилик, инсон ҳуқуқлари бўйича ташкилотлар аралашувини ҳам йўлга қўймоқ керак.

**Учинчидан**, кам аҳамиятли, унча оғир бўлмаган жиноятлар бўйича прокурор-тергов фаолиятидаги ҳар бир қамоққа олиш фактини юқори турувчи орган назоратга олиши, ўрганиши, қонун доирасида аралашуви лозим, зеро расмий жиҳатдан айбли бўлсада қамоқда сақлаш зарурати борлиги эътиборсиз қолмаслиги керак. Табиийки, судларда ҳам ушбу тур ишлар бўйича жазо тайинлаш амалиёти мунтазам ўрганилиб борилмоғи, хатога йўл қўйилган ҳолат зудлик билан тузатилиши таъминланиши керак.

**Тўртинчидан**, амнистия актларини қўллаш амалиёти, эҳтиёт чорасини ўзгартириш, жазо ўташ жойларидан муддатидан олдин озод қилиш, қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазоларни шартлиси билан алмаштириш каби фаолиятни мунтазам назорат остига олиш, чуқур ўрганиб боришни амалиётга киритишга ҳожат бор.

**Бешинчидан**, дастлабки терговда шахсни қамоққа олиш ёхуд судларда озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланишида айбланувчининг шахси нақадар чуқур ўрганилганлиги асосий мезонлардан бири бўлиб ҳисобланмоғи керак. Бунга жамоатчилик, жамоат ташкилотлари, нуфузли идора ва шахслар, депутатлар ёхуд халқнинг ишончли, мухтор вакиллари муносабатлари инобатта олиниши ҳам киради.

**Олтинчидан**, терговда ҳибсга олиш ёхуд судда жазо тайинлашда маҳалла, ўзини-ўзи бошқариш органлари фикри билан ҳисоблашишни йўлга қўйиш лозим. Зеро, шахсни бу ердагичалик яхши ва мукаммал билиш мумкин эмас. Катта давлат ваколатлари ўтказилган бу — янги бўғин ва тизилмаларга ишонч билдиришдан ташқари, уларнинг масъулият руҳини ҳам оширади. Қолаверса, ўзига ишонч олган шахс, бу — ўзи ва оиласи яшаб турган бўғин олдида жавобгарлигини кўпроқ ҳис қилади. Бу органларга, албатта, шахснинг озод бўлиб қайтгандан сўнгги ҳаёти, меҳнати, иш билан таъминланиши, амалий ёрдам олиши, жамиятга мослашуви (адаптация) каби масалалар юзасидан ваколат доираси ва жавобгарлигини ошириш ҳам қўйилмоғи керак.

Хуллас, бугун Ўзбекистон ўз қонунларига таянган ҳолда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш орқали демократия сари дадил бораётганлигни ҳеч ким рад этаолмайди.

Конституциянинг 44-моддасида «ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади», дейилганлиги ва унинг ишлай бошлаганлиги фикримиз далилдир.

Асосий Қонунимиз талабига кўра, эндиликда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили устувор бўлар экан, демак, инсоннинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар томонлама ҳимоя қилиниши таъминланмоғи зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида Президентимиз суд — ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш масалаларига алоҳида тўхталиб, *«суд тизимини ислоҳ қилиш, аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак, судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлсин, шундагина суд ҳокимиятнинг ҳақиқий мустақил учинчи тармоғига айланади»*, деган эди. Бугунги кун судьялари бундан қандай хулоса чиқармоғи керак? Мутлоқ мустақил бўлиб, ўз билганимизча иш кўраверамиз дебми? Асло бундай эмас. Энг аввало, судьянинг мустақиллиги, бу халқ ва қонун олдида катта масъулият деганидир. Улар инсон тақдирини ҳал этишдек юксак ишончни биринчи навбатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек шарафли ишда оқламоғи лозим. Аввало қонунийлик, ўз номига мос «одил судлов», адолатпарварлик ва фуқаропарварлик, беғараз шафқат ва қатъият, холисона мурувватни ҳамроҳ қилмоқ керак. Бу нафақат судьяларга, балким инсон тақдири, ҳуқуқи билан боғлиқ фаолият йўлини тутган ходим — хоҳ прокурор, хоҳ милиция ходими, хоҳ бошқа ҳуқуқни муҳофаза этиш соҳаси вакили бўлсин, барчасига тенг тааллуқли деб ўйлайман.

Мана, Муборак Рамазон ойи арафасида диндор-биродар юртдошларимиздан муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш ҳақида ҳукумат қарори имзолаганининг гувоҳи бўлдик. Бир вақтнинг ўзида 2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирлар хусусидаги қарор эълон қилинди. Бу қабилдаги савобли, инсонпарвар сиёсатни бизнинг ватандошлар ўз танасида ҳис этмоқда, элига қайишадиган йўлбошчиси ва мағрур яшашга имкон яратилаётган ватани, юрти борлигидан фахрланмоқда.

Уларнинг замирида ҳам инсон, миллатимиз аъзолари манфаати учун қайғуриш ётибди. Бугун — оламни ахборотлар оқими қамраб олган замонда, барчамиз қўшни давлатлардаю бизда бўлаётган ишларни солиштирган ҳолда, эшитиб, ўқиб, зангори экранларда кўриб турибмиз. Бундай *Бахт ва Ватан камдан-кам халқ-элатларга насиб этган*, деб фахрлансак арзийди. Унинг қадрига етайлик. Бахтимизни, ватанимизни, одамларимизни асрайлик. Бир одамга ёки бир марта бўлсада, қилинган адолатсизлик, бу аслида жамиятга, барчага қилинган дағдаға билан тенглигини тушунайлик. Ана шунда халқ одил судни, адолатни, юритаётган ҳуқуқий сиёсатимизни ўз таянчи, ўзини муҳофаза этувчиси деб билади, ҳимояланади, ҳимоя қилади.

---



## 2000 йил бўсағасида

*Шу сонга хабар*

## НАЖОТКОРЛАР ДАЪВАТИ

**Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, шунингдек, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, кишилар онгида маънавият ва маърифатни, теран тафаккурни шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар бевосита Президентимиз Ислом Каримов номи билан боғлиқдир.**

**Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, республикада тинчлик ва осойишталикни барқарор сақлаб туриш баробарида ижтимоий муҳофазанинг йилдан-йилга кучайиб бориши, халқимизнинг ёрқин келажакка бўлган ишончини янада орттирмоқда.**

**Барчамизга аёнки, мустақилликкача бўлган даврда мамлакатимиз аҳолисини фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиши лозим бўлган «Фуқаро муҳофазаси» ишлари бўйича бошқарма номигагина ишлаб келарди. Истиқлол йилларида бу соҳага жиддий эътибор берилиб, алоҳида вазирликка айлантирилди ва бу борада ҳукуматимизнинг ўнга яқин қарори қабул қилинди. Яна бир қувончли жиҳати шундаки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясида «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Шубҳасиз, айтиш жоизки, бу муҳим ҳужжат мамлакатимиз аҳолисини турли офатлардан муҳофаза қилишнинг муайян кафолатидир.**

**Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида 1999 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда вазир Баҳодир Қосимов сўз олиб, Президентимиз томонидан 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши вазирлик шахсий таркиби зиммасига алоҳида масъулият юклайди, деди. Чунки ҳар қандай вазиятда доимо шай турадиган қалби қайноқ ёшларни она- Ватанимизнинг жасур, довюрак, нажоткор ҳимоячилари этиб тарбиялаш шу куннинг муҳим талабидир.**

**Мажлис якунида Вазир 2000 йил 9 январда бўлиб ўтадиган сайловда Фидокорлар Миллий Демократик партияси томонидан Ўзбекистон Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирди.**

*Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати*

---

*Мамлакатлар, одамлар, одатлар*

## ЯНГИ ЙИЛ ҚАЕРДА, ҚАЧОН, ҚАНДАЙ КУТИЛАДИ?

***Ҳар бир миллат ва элатнинг аждодларидан қолган, бошқаларникига ўхшамас, ўз урф-одатлари, удумлари бўлади. Янги йилни нишонлашда ҳам ҳар бир халқнинг ўзига хос анъана ва русмлари бор. Қуйида шу ҳақда фикр юритмоқчимиз.***

***Японлар янги йил байрами арафасида жами идиш-товоқларни тозалаб ювиб, эски йил сувидан бир томчи ҳам қолдирмай, идишларнинг барчасига тоза булоқ суви тўлдиришади. Хонадонларнинг эшигига узоқ умр ва садоқат рамзи ҳисобланувчи бамбук ва қарағай новдаси осиб қўйилади. Соат миллари тунги 12 ни кўрсатганда Будда ибодатхонасидаги қўнғироқлар 108 марта жом уради. Бунинг сабаби Японияда 100 ва 8 рақамлари бахтли рақамлар ҳисобланади. Зилол булоқ суви Янги йилда оғизга олинадиган биринчи ичимликдир. Янги йил тонгида японлар жуда барвақт туришади. Дастлабки қуёшнинг илк нурини кўришга ошиқадилар. Япониядаги энг баланд жой - Фудзияма тоғи тепасига чиқиб, тонг отишини сабрсизлик билан кутиб олувчилар ҳам кўпчиликни ташкил қилади.***

***Мўғилистонда эса Янги йилни яқин вақтларгача баҳорда нишонлаш урф эди. Эндиликда улар бу санани 1 январда байрам қилишади. Мўғуллар Янги йил байрамини «Цаган сар», яъни «оқ сой» деб атайди.***

***Байрам куни ҳар бир оилада қўй гўшти пиширилади, чучвара тугилади. Мўғулларнинг эътиқодича, Янги йил оқшомида кўп овқат ейилса, йил бўйи ҳамма нарса тўкин-сочин бўлар эмиш.***

***Мўғилистонда Янги йил тантаналарида Қорбобо эмас, балки чўпон асосий ўрин тутади. Чўпоннинг қўлида бурнаки, чақмоқтош ва қамчи бўлади. У ўчоқларга ўт ёқиб кетади.***

**Шаҳноза МУҲАММАДИЕВА**
**тайёрлади**

---

## Янги йил ҳазиллари

ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР АКМАЛ САИДОВГА

*Машҳур ҳуқуқшунос САИДОВ Акмал*
*Барча муаммони тезда қилар ҳал.*
*Инсон ҳуқуқлари топталмаса бас,*
*Шу унда ягона армону ҳавас!*

* * *

ҚИЗИҚЧИ ҲОЖИБОЙ ТОЖИГА

*Саҳнага чиқишнинг бўлса иложи,*
*Даврани яшнатар Ҳожибой Тожи.*
*Дерки: «Ўзим гуруҳ, ўзим сўққабош»,*
*Билмадим у қанча оларкин маош?*



